# Тарихий хотирасиз келажак йўк

Муаллиф:
08.03.2010 12:46 - Янгиланди 22.11.2010 06:06




Мустакилликка эришганимиздан кейин халкимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга кизикиши ортиб бормокда. Бу - табиий хол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи тугилиб вояга етган кишлок, шахар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.
Хозир Ўзбекистон деб аталувчи худуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафакат Шарк, балки умумжахон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жахон тан олмокда. Бу кадимий ва табаррук тупрокдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиккан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайкал топган. Эрамизгача ва ундан кейин курилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, махобатини йўкотмаган осори атикаларимиз кадим-кадимдан юртимизда дехкончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шахарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафкат давр синовларидан омон колган, энг кадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сакланаётган 20 мингдан ортик кўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлок, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, дехкончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халк дунёда кам топилади. Шунинг учун хам бу борада жахоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан.
Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган хаётий тажрибалари, диний, ахлокий, илмий карашларини ўзида мужассам этган бу нодир кўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки, ўзингизга маълум, шўролар замонида тарихий хакикатни билишга интилиш рагбатлантирилмас эди, хукмрон мафкура манфаатларига хизмат килмайдиган манбалар халк кўзидан иложи борича йирок сакланарди.
Ахвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш хукукидан махрум бўлиб колдик. Бировлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўкир эдик. "СССР тарихи" деб аталган дарсликда Ўзбекистондай мамлакатга бор-йўги 3-4 сахифа ўрин берилиб, тарихий вокеалар ва шахслар хакида нохолис фикрлар айтилар ёки умуман, лом-мим дейилмасди. Фандаги бундай сохтакорлик, кўзбўямачиликни бугун энг олис кишлокларда яшаётган оддий фукаро хам, мактаб ўкувчиси хам яхши билади. Энди, мустакиллик туфайли яккол намоён бўлаётган тарихий хакикатни билишга, ўзлигини англашга чанкокликнинг туб сабаблари мана шунда, деб ўйлайман.
Олимларимиз тарихимизнинг турли даврларига доир рисолалар ёзишмокда, тарихий мавзуда йирик насрий, назмий, сахна асарлари яратилмокда. Оммавий ахборот воситалари маънавий кадриятларимизни кенг таргиб килаётгани, сухбатлар,

мулокотларда фикрлар ранг-баранглиги пайдо бўлаётгани диккатга сазовор. Ёшларнинг Ватан, миллат такдири учун ўзларини масъул сезиб, бу бахсларда дахлдорлик туйгуси билан иштирок этаётгани мени, айникса, кувонтиради.

Чумчук сўйса хам кассоб сўйсин, деган гап бор. Мен тарихчи эмасман. Бу мавзуда акл ўргатиш фикридан мутлако йирокман. Лекин табиий бир савол тугилади: давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аник белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўкми? Яъни, юртимизда фаол мехнат килаётган мухтарам академиклар, олимлар, адиблар, ноширлар, авваламбор тарихчиларимиз биргалашиб, мана шу саволларга жавоб топиши керакми-йўкми?...
Назаримда, ўзбек халкининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти хакида гапираётганда, бизда чукур илмий асосга таянган тахлил, муайян масалаларда аник ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўк. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу хакикат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур.
Миллат, мамлакат хакида катта-катта минбарларга чикиб гапиришнинг ўзига хос масъулияти бор. Муайян вокеа, шахсга муносабат билдираётганда, бу факат бир киши ёки муайян тоифадаги кишиларнинг нуктаи назари бўлиши мумкинлигини унутмайлик. Ёмон томони шундаки, субъектив фикр юкувчан бўлади. Чукур тахлил, мантикка асосланмаган бирёклама фикр одамларни, энг аввало, тарих ўкитувчиларини чалгитади. Улар эшитганларини хакикат шу экан, деб ўкувчиларга хам етказишади. Факат бахс, мунозара, тахлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўгри йўл кўрсатиши мумкин. Бу - биринчидан.
Иккинчи масала шундан иборатки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор сохаси деб эълон килганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустакил фикрлай оладиган, хулк-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-кочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У хар бир нарсани акл, мантик тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантик асосида курган киши етук одам бўлади.

Эркин, демократик жамият куряпмиз. Биз учун ёпик мавзунинг ўзи йўк. Умумхалк минбари - телевидениемиз, радиомиз, матбуотимиз бор. Яхши ниятли кишиларга чегараларимиз хамиша очик. Хориждан мехмонлар келишяпти, биз чет давлатларга чикяпмиз. Кунда бўлмаса, кун ора халкаро анжуманлар ўтиб турибди. Бизга мана шу анжуманларда манман деган олимлар билан хохланг иктисод, хохланг сиёсат, хохланг тарих, маънавият сохалари бўлсин, бемалол бахслаша оладиган билимдон, зукко, маърифатли одамлар керак.
Нега мен маърифат сўзини кўп такрорлаб, унга алохида ургу беряпман? Чунки, жамият тараккиётининг асоси, уни мукаррар халокатдан куткариб коладиган ягона куч -маърифатдир. Асримиз бошида Туркистонда кечган вокеаларни бир эсланг. Нега бу ўлкада ўша йиллари маърифатчилик харакати хар качонгидан хам кучайиб кетди? Негаки, чор Россияси асоратига тушиб колиб, буткул таназзулга юз тутган ўлкани уйготишга, халкнинг кўзини очишга факат маърифат оркалигина эришиш мумкин эди. Маърифатпарварлик биз учун бугун хам ўз ахамиятини йўкотгани йўк, йўкотмайди хам. Акл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга кўйган

максадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараккиёт карор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараккиёт хам, келажак хам, фаровон хаёт хам бўлмайди!

Айнан шунинг учун хам ўз пайтида Республика Маърифат ва маънавият марказини ташкил этдик. Марказнинг вилоят, туман бўлимлари очилди. Гап хозир республика бюджетидан ажратилган катта маблаг хакида эмас. Керак бўлса, яна ёрдам берамиз. Мазкур сохадаги ишларнинг талаб даражасида эмаслигини, ташкилотнинг расмиятчиликка берилиб кетаётганини кандай тушуниш мумкин? Бу холни кўрганда беихтиёр, барака топкур, сен шўролар замонидаги домполитпросвещение, яъни сиёсий маориф уйи ходими эмассан, мутлако бошка одамсан, биз бу марказни факат маош олиш учунгина ташкил этмадик, дегингиз келади. Колаверса, маънавият, маърифатни таргиб килиш хар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоги керак. Тушунамиз, уларнинг хам тирикчилиги, бола-чакаси бор. Шунинг учун хам маош тайинлаб кўйибмиз. Лекин яна такрор айтаман: маърифатчи, энг аввало, фидойи бўлмоги, ўзидан кечмоги керак.
XX аср бошидаги маърифатчилик харакати хакида гапиргандим. Ўша харакатнинг намояндалари бойлик учун, шон-шухрат учун майдонга чикишдими? Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Кори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, халкни ўз хак-хукукларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берганми? Албатта, йўк! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибдодга карши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган.
Энди асосий масалага ўтсак. Хўш, тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни кандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! Маънавиятини тиклаши, тугилиб ўсган юртида ўзини бошкалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.
Хар кайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси кайда, унинг оёкка туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни кандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Нега жахонга Ахмад Фаргоний, Мухаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII-XIX асрларга келиб, то шу чоккача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз колокликдан чикмай колди? Аждодларимизнинг каттик каршилигига карамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу колокликнинг хам ўрни бўлмаганмикан?
Тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўгри хулосалар чикаради. Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.
Ким бўлишидан катъи назар, жамиятнинг хар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, хар хил акидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоклари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустахкамлайди.

Юкоридаги мулохазалардан табиий равишда шундай савол тугилади: хўш, Ўзбекистоннинг, ўзбек халкининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган хакконий

тарихи яратилдими-йўкми? Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўкитишга мутлако каршиман. Мустамлакачи ўзига карам бўлган халк хакида качон холис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-гайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо килишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш - хаётдан жудо бўлиш демакдир.
Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз. Лекин Россиянинг хох ўтмишдаги, хох бугунги кўзга кўринган бирор бир тарихчисидан сўраб кўринг-чи, шуни тан олармикин? Тан олмайди, билмайди, билишни хохламайди хам. Ўжарликнинг сабаби эса битта: башарти, тан олгудек бўлишса, тарихий хулосалари чиппакка чикади, илмда сохта йўл билан борганлари фош бўлади. Энг мўътабар, кадимги кўлёзмамиз "Авесто"нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср мукаддам икки дарё оралигида, мана шу заминда умргузаронлик килган аждодларимизнинг биз авлодларига колдирган маънавий, тарихий меросидир. "Авесто" айни замонда бу кадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувохлик берувчи тарихий хужжатдирки, уни хеч ким инкор этолмайди. Лекин, юкорида айтганимдек, бирон-бир хорижий журналистнинг, умуман, ўарб адибларининг "Авесто"ни эслашганини билмайман. Хулоса шуки, олис-олис жойларда халкимиз, мамлакатимиз ўтмиши хакида айтилаётган мулохазаларнинг аксарият кисми сохта, гайриилмийдир.

Мен билганимни айтяпман, шундай хулоса чикаришга мажбурман. Ажабланадиган жойи яна шундаки, тарихимиз хакида гап кетганда, биз хамон рус олимларининг тадкикотларига таянамиз, иктибос кўчирамиз. "Бартольд ундай деган, Гумилев бундай деган" ва хоказо. Мен рус олимларининг мехнатини камситмокчи эмасман. Лекин качонгача биз тарихимизни бировларнинг нуктаи назари, каричи билан бахолаймиз? Шундай улкан даврда юртимизда кечган давлатчилик тараккиёти, ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий хаёти атрофлича тахлил этилган тадкикотлар нега яратилмаяпти? Археология, Тарих, Шаркшунослик ва бошка бир катор институтларимиз бор. Мутахассислар нима билан машгул, каёкка карашяпти? Ўзбек давлатчилиги качон пайдо бўлган? Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аникроги, 1924 йили давлат макомини олган эмиш. Биз шу гапга ишонишимиз керакми? Мактаниш эмас, янгидан шаклланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида айтишга хакким бор, керак бўлса, бу иш учун жонимни, борлигимни беришга тайёрман. Чунки, хаётимнинг мазмуни шундан иборат. Лекин факат бир мен эмас, бутун халк билишни истайди: ўзбек давлатчилиги кайси асрда пайдо бўлди? Кандай тарихий боскичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки аник жавоблари бордир? Таргибот, ташвикот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллакачон бир фикрга келишгандир? Лекин хозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим.
Яна айтаман, бу сохада ишлаётган олимларимизни танкид килиш у ёкда турсин, айблашга хам хаддим сигмайди. Кўпчилик олимларимизнинг илмий тафаккури, карашлари кайси даврда шаклланганини хам яхши биламан. Тарих оламида мехнат килаётганларни ватанпарвар, элпарвар сафдошларим, деб билганим учун уларга шу талабни кўймокдаман: качон лўнда, асосли килиб хакконий тарихимизни фарзандларимизга етказасизлар?
Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда,

Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб оркаваротдан ташвикот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмокчи бўлаётган, керак бўлса, халкаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар хали бор. Бундай галамисларнинг орасида кандай килиб бўлса хам бизни яна собик СССРга кайтариш ниятида юрганлар йўк дейсизми? Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуктаи назардан асосланган тарихини яратишдир.
Матбуотда ўтмишимизга тааллукли бирор макола чоп этилса, бирор бир тарихий асар, хох у илмий, хох бадиий бўлсин, кўлимга тушиб колса, албатта, ўкиб чикаман. Сиёсатчиман, арбобман деган одам, агар виждони бўлса, ўз халкининг тарихий ўтмишини билиши шарт.
Хаммамиз шу тупрокнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. Хаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, гурурланамиз. Якинда Мухаммад Юсуфнинг бир шеърини ўкиб колдим. Ўзбек номини тушуниш учун нималарни билиш кераклиги хакида ёзибди. Яхши шеър! Кани энди, олимларимиз хам мана шундай катта гояларнинг илмий талкинини берсалар.
Масалан, кадим аждодларимиз хаётининг асосини ўтрок маданият ташкил этганми ё кўчманчими? Ўзбек халкининг шаклланишида кандай элатларнинг таъсири бўлган? Биламан, булар огир саволлар. Лекин уларга жавоб топишимиз зарур.
Атрофимизда жойлашган баъзи давлатлар ва миллатларнинг вакилларида хам бизлар катори ўз тарихларини бошкатдан ўрганиш, чукуррок ўрганиш туйгуларини сезиш мумкин. Балки, бу хам тўгридир. Хар бир халк ниманидир ўзининг миллий ифтихори, деб билади. Хар хил китоблар чоп этишади, катта-катта анжуманлар ташкил килинади. Ахмад Яссавий бобомизнинг мукаддас меросини ўрганиш максадида гох Туркистон, гох Истанбул, гох Измирда учрашувлар ўтказилади. Мана шу учрашув-анжуманларда Ўзбекистон вакиллари, авваламбор, илмий-тарихий асосларга, чукур тадкикотларга суяниб, баъзи бир сохта уринишларга берилиб кетмасдан, хакконий далил ва исботларни курол килиб олсалар, маъкул бўларди.
Яна кайтариб айтмокчиман: биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз хакида аник тушунчага эга бўлишимиз керак. Туркийтилли халк бор, турк халки бор. Фаркини хар бир фукаромиз, аввало, фарзандларимиз билиб олсинлар. Нега шу масалалар бўйича тарихчиларимиз огизларига талкон солгандек мик этишмайди?
Якинда телевидениеда бир кўрсатув берилди. Хунлар давлати, качонлардир шу давлатни бошкарган Атилла хакида. Шу Атилла Волгабўйи, Астрахан чўлларини ишгол килиб, Шаркий Европага ўтибди, кейин ўарбий Европани хам забт этиб, Румгача борибди ва уни иккига, яъни - Рум ва Византияга бўлиб ташлабди.
Рус, умуман, ўарб манбаларида, адабиётларида хунларни "гун" дейишади. Хунлар Атилла бошчилигида Румга бостириб кириб, уни батамом вайрон килишган. Бу вокеалар тахминан IV аср охири - V асрнинг биринчи ярмида бўлган. Кўрсатув бошловчиси, олим одам завк-шавк билан Атилланинг кимга уйланганини, тўй кечаси кимнинг кўрсатмасига кўра, ким томонидан захарлаб ўлдирилганигача окизмай-томизмай томошабинга етказди, хатто Атилланинг тугилган кунигача аник айтди. Ўша олимдан Берунийнинг тугилган кунини айтиб беринг, десангиз, айта олармикин, худо билади. Кизиги бу ёкда, энди давомини эшитинг: нима эмиш, хунлар муккасидан айш-ишратга берилган румликларни майпарастликдан жудо килиб, конларига соглом кон бўлиб кўшилган эмишлар ва шу йўл билан уларнинг умрига умр кўшибдилар. Румга маданиятни хам хунлар олиб келган экань

Вахоланки, ўарбда Атиллани маданият олиб келган шахс эмас, улуг бир цивилизацияни ер билан яксон килган боскинчи сифатида эслашади. XXI асрга кадам кўймокдамиз. Орадан шунча вакт ўтган бўлса хам улар Атилланинг килмишларини унутганлари йўк. Калмок дўстларимиздан бири якинда менга ёстикдек китоб совга килди. Ушбу китобда ёзилишича, нима денг, Атилланинг байрогида хоч тасвири бўлган эмиш. Муаллиф бу билан нима демокчи?

Демокчики, насронийлик хам Европага сахродан келган. Яна бир кизик хулосага дуч келдим. Биз ўзбеклар хам ўша Атилланинг авлодлари, ворислари эмишмиз. Бу билан фахрланишимиз керак экан. Биринчидан, бундай ўта жиддий хулоса чикаришга хозирча хеч кандай асос ёки замин борлигини хеч ким исбот килолмаса керак. Иккинчидан, боскинчига ворис бўлиш фахрли мартаба эмас, иснод-ку! Бу игвога учсак, эрта Европа биз тўгримизда нима дейди? Бу гап каердан чикди, кимга керак бу сохта обрў?!

Биз ўзбекларни улуг, бунёдкор халк деб дунёга тараннум этяпмиз ва аслида хам шундай. ЮНЕСКОнинг Париждаги кароргохида Амир Темур бобомизнинг тўйларини ўтказишдан максад нима эди? Комил бу инсоннинг, энг аввало, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини, фан, маданиятга хомийлик килиб, жахон цивилизацияси тараккиётига бекиёс хисса кўшганини олам ахлига билдириш эди. Жаноб Жак Ширакнинг ўзи иштирок этган бу анжуманда мен мазкур фикримни ишончли манбалар асосида исботлаб беришга харакат килдим. Айтдимки, давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз гайрат-шижоати, юксак акл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга хамиша ибрат намунаси бўлиб колгусидир. Биз у зоти олийдан хамиша рухий мадад оламиз.

Суриштириб кўрилса, Парижда ва умуман, Европада хам сохибкирон бобомизнинг обрўсини тўкишга уринишлар бўлган. Буюк саркардалигини тан олган холда, уни, айтишга тил хам бормайди, ёвузликда айблашган. Бунга хеч кандай мантикий асос йўклигини исботлаб бериш кийин эмас. Инсон бир пайтнинг ўзида хам бунёдкор, хам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни курган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Куръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Конхўр одам "Куч - адолатда" дейиши мумкинми?!

Ўзбекистоннинг обрўйини кўтариш бир четда колиб, аллакандай атиллаларга ворис бўлиш бизга мутлако ярашмайди. Мен бунга катъиян каршиман. Кимгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз. Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса хам, дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо кўлига курол олгудай бўлса, факат ўзини химоя килиш учунгина олади.

"Тафаккур" журналига берган интервьюмда Амир Темур бобомизнинг "Куч - адолатда" деган фикрини ривожлантириб, "Куч - билим ва тафаккурда", деган гояни ўртага кўйдим. Тафаккур, маърифат, маънавият каердаю, Атилла каерда?

Чукуррок ўйлаб кўрайлик: Атиллани рўкач килиб, бизга сиз ўзбеклар хам кўчманчи халксиз, демокчи эмасмилар?

Мен кеча атай яна харитага кўз ташладим. Хунлар Европага Шимолдан, Дашти Кипчокдан ўтиб кетишган экан. На улуг Бухоро, на улуг Самарканд, на улуг Хоразмга уларнинг кадами етмаган.

Шу боис ўзбек зоти канакасига хун бўлиши мумкин?

Тўгри, Мовароуннахр сархадларига узок тарихимиз давомида не-не боскинчилар кириб

келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар хукмронлик килмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Ахмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Кутайба, Мўгулистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халк колди-ку. Хўш, бунда кандай сир-синоат бор? Халк кандай ички куч-кудратга таяниб ўзлигини саклаб колди? Кадим-кадим замонлардан ўтрок яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини мукаддас билгани учун эмасми?

Ўзбек номи качон пайдо бўлган? Совет тарихшуносларининг ёзишича, гўё XVI асрда бизнинг заминимизни Дашти Кипчок хонлари ишгол килгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннахр деб атайдиган икки дарё оралигида унгача хам халк яшаган-ку! Ёки бу халк бошка миллат бўлганми? Мантик кани бу ерда?

Биз совет замонидан колган бу акидани кабул килсак, миллатимиз тарихи мана шу навбатдаги боскинчилар давридан бошланган, деган нотўгри хулоса келиб чикмайдими? Унда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз каерда колади? Самарканд хам, Бухоро хам, Хива хам ўзбекларники экан, бу ерларда ўзбек давлати бўлган экан, нега энди ўз тарихимизни XVI асрдан, кимдир келиб-кетиб, номини колдириб кетган даврдан бошлашимиз керак? Унгача хам бу ерда ўтрок халк яшаган-ку! Бу ерда ана шу ўтрок халкнинг маданияти бўлган-ку! Ким келмасин, масалан, мўгуллар келган, XIII асрнинг 20-йилларидан XIV асрнинг 70-йилларига кадар хукмронлик килганлар ва уларнинг маданияти махаллий маданиятга сингиб кетган. Бунда махаллий халкнинг маданияти, албатта, асос бўлган, устунлик килган.

Биз халкни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти оркали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз.

Яна бир бор кайтараман: мен тарихчи эмасман. Аммо, умуман, дунё халклари ва хусусан юртимиз тарихий тараккиёт йўлининг асосий конуниятларини мантикий тахлил килсак, шу нарса аён бўладики, Александр хам (уни Шаркда кўпрок Искандар Зулкарнайн деган ном билан билишади), Кутайба хам, Чингизхон хам, генерал Черняев хам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ўн минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишгол килган ва бу ердаги сиёсий хокимиятни кўлга олган. Яна такрорлайман: Сиёсий хокимиятни. Тамом. Тўгри, хукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иктисодий, савдо, илмий, маданий имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бирок шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган махаллий ахолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўк килолмаганлар, килолмасдилар хам.

Фикримни хаммага якин ва тушунарли бир мисол оркали изохлаб беришим мумкин. Чор Россияси юртимизни босиб олиб то биз давлат мустакиллигимизни кайта тиклагунимизга кадар ўрта хисобда 130 йил вакт ўтди. Шу давр ичида халкимиз бошига не-не кулфатлар, балою офатлар ёгилмади. Хох сиёсий, ижтимоий-иктисодий хаётни олайлик, хох маънавий, маданий сохани. Кези келганда, сўнгги мустамлака даври тарихини тадкик килаётган олимларимизга бир маслахат бермокчиман, аникроги, уларнинг эътиборини бир нарсага каратмокчиман. Бу даврнинг илгариги замонлардан фарки шуки, шу вактда, айникса, шўролар хукмронлиги йилларида халкимиз ташки дунёдан бутунлай узиб кўйилди. Етмиш йилдан ортик даврда бошимиздан кандай маънавий, маданий тазйик, хўрликлар кечганини хам яхши биламиз. Мен бу ерда тил, адабиёт, тарих, дин, халкимиз генофонди, демография билан боглик аянчли кечмишларни назарда тутаяпман. Лекин

гап хозир уларнинг шархида, сабаблари, окибатларида эмас.
Мен айтмокчи бўлган фикр шундан иборатки, ана шундай хар томонлама мудхиш, четдан караганда халкимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, хеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўк бўлиб кетиши керак бўлган шароитда барибир, катор йўкотишлар билан бўлса хам, миллатимиз ўзлигини саклаб кололдими ё йўкми? Олимларимиз шу саволга жавоб берсинлар.
Шу мавзуга тегишли яна бир масалага тўхталиб ўтмокчиман. Собик марказда, Кремлда ўтирганларнинг миллий республикалар махаллий ахолисини "совет халки"га, яъни ягона халкка айлантириш билан боглик сиёсатидан ўзбек халки ниманинг хисобидан, кайси тарихий, табиий конуниятлар туфайли омон чикди? Бу хакда олимлар ўйлаб кўрганмилар, ўз илмий изланишларида шундай саволларни кўндаланг кўйганмилар? Афсуски, йўк.
Хўш, масалан, бу саволга мен кандай жавоб берган бўлардим?
Бизнинг аждодларимиз, халкимиз кадим-кадимдан ўтрок яшаган, миллатимизнинг илиги ўтрок маданият шароитида котган. Халкимиздаги "илиги тўк, бакувват" деган тушунча, мен, хатто, конуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. Ўзбек халкининг илиги тўк, бакувват демокчиман. Яна тилимизда "тагли-тугли", "палаги тоза" деган иборалар хам бор. Бу бир жойда муким яшаган, ўз турмуш тарзига, ахлок-одоб мезонларига, акидалари ва тафаккур тарзига эга бўлган хонадонларга нисбатан айтилади. Бутун оммани, бир неча юз минглаб, миллионлаб ахолини бирлаштирган акидаларга, мезон ва коидаларга эга бўлган халкни кандай изохлаш, таърифлаш мумкин?! Ана шу хаётий ва ижтимоий мантикдан келиб чиксак, таъриф ва изох битта бўлади - миллий борлигимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтрок бўлган.
Масалага бошка томондан ёндашиб кўрайлик. Бугунги бой маданиятимиз кайси цивилизациянинг махсули? Шундай маданият бор экан, уни шу заминда яшаган халк яратганми ёки у бўм-бўш жойда пайдо бўлганми?
Демокчиманки, тарихимиз каби, кадим маданиятимизнинг яратилишида хам унга кўплаб этник гурухлар, эл-элатлар ўз улушини кўшган. Бу - табиий хол. Чунки, хеч качон, хеч каерда факат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Хар кандай цивилизация кўпдан-кўп халклар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг махсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, боскинчилар келиб кетаверади, лекин халк бокий колади, унинг маданияти абадий яшайди.
Шунинг учун тарихчи олимларимиз, хар бири турли тушунча, муайян карашга эга бўлишидан катъи назар, бир жойга тўпланиб, бахс юритиб, бир хулосага келишлари керак. Саклар, массагетлар, сўгдлар, бактрияликлар деган турли ибораларнинг оркасидан кувиб юриш ўрнига, тарихчиларимиз миллатга унинг хакконий тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, тарих - халк маънавиятининг асосидир.
Баъзи тарихчилар бизни Чингизхоннинг авлоди, хатто, Амир Темурда хам Чингиз кони бор, у мўгул кавмидан, демокчи бўлади. Ўйлаб кўрайлик, Амир Темур бобомиз кайси миллатга мансуб?
Яна совет даври китобларида Амир Темур аскарлари Москва атрофларига етиб боргани хусусида "мўгул-татар кўшинлари Москвани камал килдилар", деб ёзишган. Холбуки, Сохибкироннинг аскарлари Тўхтамишхонни тор-мор килиб, Русияни мўгул истилосидан озод этгандан кейингина Москва атрофида пайдо бўлган. Афсуски, бу хакикат Россия матбуотида 1995 йилдагина ёзилди. Бизнинг тарихчиларимизнинг заифлиги шу даражадаки, шу пайтгача биронтаси чикиб, йўк, тарихий хакикат бундай, деб айтмаган.

Йўкса, Амир Темур каёкдаю, мўгуллар каёкда! Кани бу ерда фидойилик, ватанпарварлик? Кани миллий гурур, миллий ифтихор?!
Демокчиманки, хар бир халк ўз тарихини хар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак. Бепарво бўлсангиз, турли сохта хомийлар, кучлар борки, улар тарихни бузиб кўрсатадиган китобларни чикараверади. Хатто, чет элда хам чикариши мумкин.
Дунёда дўст бор экан, ганимлар хам бўлади. Биргина мисол. Биз 1996 йили Сохибкирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйини ўтказдик. Шуни хам турлича талкин килувчилар бўлди.
Аввалambор, биз бирор аждодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнаки учун килган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади. Шу нуктаи назардан ёндашсак, Амир Темур ким эди? У, биринчи навбатда улуг бунёдкор шахс эди. Самарканддаги обидаларни, Шахрисабздаги ёдгорликларни ким курди? Туркистондаги Яссавий макбарасини ким тиклади? Амир Темур ва унинг авлодлари замонида Афгонистон, Эрон, Хиндистон худудларида амалга оширилган ободончилик, меъморчилик ишларини айтмайсизми? Ким "Куч - адолатдадир" деган оламшумул, теран хикматни ўз фаолиятига асосий тамойил килиб олди?
Якин-якингача давлат бошкаруви санъати хакида сўз кетса, кўпчилик гапни ё марксчи-ленинчиларнинг давлат хакидаги сохта назарияси, ё бўлмаса XVI асрда яшаган Макиавелли карашларидан бошларди. Кўйиб берсангиз, бу эски одатни бугун хам давом эттиришади. Давлат, салтанат, жамият бошкарувига оид мумтоз асар - "Темур тузуклари"ни ёзган ким? Умуман, кишилик тарихида ана шундай йўналишда асар битиб колдирган бошка хукмдор борми ўзи?
Энди Чингизхон шахсини шу мезонга солиб кўрайлик. Ундан вайрон этилган шахару кишлоклардан бўлак кандай из колди? Шундай экан, биз ўзимизни Чингизхон ворисларимиз, деб ўтирсак, ўтакетган бемаънилик бўлмайдими?
Юртимизда тарихий шахслар, шахарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб колди. Бу ерда гап тантаналардагина эмас, мухими, биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун колдирган салмокли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжахон цивилизациясига кўшган хиссаларини кадрлаймиз. Албатта, хар бир миллат ўз аждодларини эслаш, уларнинг хурматини жойига кўйишга интилади. Факат бу каби хайрли ишлар ўз мохияти жихатидан халкларни якинлаштиришга, уларни хамжихат этишга хизмат килсин.
Якинда телевидениеда Хожа Ахрор Вали хакида кўрсатув берилди. Бу мутафаккир зот ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халкларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини ковуштириш оркали хар хил тўкнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-гайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда хал килувчи ахамият касб этган. "Шайхлар шайхи" деб ном олган бу улуг зотнинг гапини бирор хукмдор, хоким, шахзода икки килмаган. Нега деганда, халк уни бошига кўтарган. Биз хам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз.
Шу маънода, хунлар, хоконликлардан нима мерос колди? Бу "мерос"ни топиш учун каерларда казилма ишлари ўтказишимиз керак? Ёки XIII асрда Самаркандни ёндириб ташлаган, Бухорони, Урганчни ер билан яксон килган Чингизхон тўгрисида турли китоблар чикяпти, фильмлар ишланяпти. Бу асарларнинг муаллифлари Чингизхоннинг кайси бир "фазилати"ни улуглаяпти? Ўзи Чингизхондан бирон-бир яхши мерос колганми? Хох ўтмишда, хох бугун бўлсин, бошка миллат, давлатни ўзига карам килиш ниятида харакат килган, килаётган кучлар доимо бир сиёсатни юритганлар, юритадилар: яъни

карам халкнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўк килиш, ундан жудо этиш. Мисол керакми?
Шўро даврида ўзбек миллати тарихини бузиб кўрсатишдан, уни чалкаштириб ёритишдан, баъзи сахифаларини, умуман, кўрсатмасликдан максад нима эди? Чор Россиясининг Скобелев деган генерали ўз императорига мурожаат килиб, шундай деб ёзган эди: "Махаллий халк биз ўйлагандан кўра маданиятли экан. Уларни бўйсундира олмаяпмизs Бу халкнинг ўтмишда яратилган барча осори атикаларини, масжиду мадрасаларини, диний китобларини ер билан яксон килибгина, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз канотимиз остига олишимиз мумкин".
Хўш, шу гапларни тарихчиларимиз биладими? Бундай ёвуз карашлар бўлганини халкимизга етказяптими? Афсуски, кўп олимларимиз онгида эски тузум асоратлари махкам ўрнашиб колган. Улар хозир - мустакиллик шароитида хам кимдандир кўркиб, чўчиб гапирадилар.
Юкорида айтилганлардан кандай хулоса чикади? Модомики, ўз тарихини билган, ундан рухий кувват оладиган халкни енгиб бўлмас экан, биз хакконий тарихимизни тиклашимиз, халкимизни, миллатимизни ана шу тарих билан куроллантиришимиз зарур. Тарих билан куроллантириш, яна бир бор куроллантириш зарур. Агар олимларимизнинг илмий тадкикот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу максад бўлмаса, уларнинг сарик чакалик ахамияти йўк. Тарих институти, Фанлар академияси хакконий тарихни ёритиш мезонларини, унинг пойдеворини, асосини белгилаб бериши керак.
Бу масала бўйича фикрлар аник ва илгор бўлиши лозим. Умуман, мен фанни илгор, тараккиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён кабул киламан. Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий конуниятларини, унинг кандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустакилликнинг афзаллигини, мустакил бўлмаган миллатнинг келажаги йўклигини, бу табиий бир конуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараккиётини олга силжитувчи куч, восита бўлмоги лозим. Лекин бу борада бизнинг фанимиз ўз сўзини нега айтмаяпти? Нега мазмунан, мохиятан янгича маколалар, асарлар чикмаяпти?

Бу ерда фан ва сиёсатнинг ўзаро муносабати хусусида тўхталиш жоиз. Зеро, фан, масалан, тарих фани ўз йўлига, сиёсат ўз йўлига, уларнинг бир-бирига алокаси йўк, дегувчилар хам топилади. Ўйлаб кўрайлик, тарих фани махсули - унинг хулосаларидан аввало ким фойдаланади? Сиёсатчилар эмасми? Ўз сиёсатини оклаш, уни олга суриш, таргиб этиш, узвийлигини таъминлаш, обрўсини кўтариш учун улар тарих фани хулосаларига мурожаат этади.
Шундай экан, савол тугилади: ушбу хулосалар кимлар томонидан, кайси максадлар йўлида ишлатилади - тажовузкор миллатчиларми ё инсонпарварлар, маърифатпарварлармиi? Шу маънода, тарихчилар миллатчилар учун хулоса чикармокчи бўлсалар, бу - бир махсулот, инсонпарвар, маърифатпарварлар учун бўлса, бу - бошка махсулот. Халкимизнинг миллий туйгусини, миллий гурурини уйготадиган тарихий-илмий хулосалар кани? Нима учун бу масалада олимларимиз ўртасида бехуда тортишувлар бўлмокда? Фан давлатга, халкка, жамият тараккиётига хизмат килиши лозимлигини унутишга асло хаккимиз йўк.
Биз фан ривожи учун, унинг таъминоти учун хеч нарсани аямаймиз. Абу Райхон Беруний бобомизнинг бундан ўн аср бурун айтган фикрини эслатиб ўтмокчиман: "Илм-фан

кишиларнинг хаётий эхтиёжларини кондириш заруратидан пайдо бўлади".
Илгор илмий тадкикот ишлари бўлса, Академиянинг иш самарадорлигини ошириш бўйича аник таклифлар, гоялар, хуллас, эхтиёж бўлса, маблаг хам топамиз, барча шароитни яратиб берамиз. Факат бу ерда бир мезон бор - бу ишдан аник натижа, самара чикиши керак!
Тарих фани, унинг бугунги ахволи, истикболи хакида гапирар эканмиз, мен яна бир масалага эътибор каратишни истардим. Агар биз тарихчиларни тарозига солсак, бугунги кун нуктаи назаридан бахоласак, талабга жавоб берадиганлари жуда камчиликни ташкил этади. Шунинг учун тарихчи мутахассислар тайёрлашни университетлардан, яъни бошлангич нуктасидан яхшилаш лозим, деб ўйлайман. Керак бўлса, тарихга ихтисослашган мактабларни очиш лозим. Бунинг учун эса аввало мукаммал дарсликлар яратиш, домлаларнинг ўзини кайтадан ўкитиш керак. Мухими, ёшларнинг орасига кириш, уларнинг ичидан кобилиятли, фидойиларини топиш, уларнинг юрагини ёндириш керак. Бизда 30-35 ёшли академиклар борми? 16 ёшга кирган ўспирин - Рустам Косимжонов шахмат бўйича кандай натижаларга эришди, жахон микёсида голиб бўлди! Шахмат хам фан, бу математика дегани эмасми?
Демокчиманки, биз ана шундай ёшларимизга ишонамиз, суянамиз, келажак умидларимизни улар билан боглаймиз. Уларга канча тез йўл очиб берсак, илмда, ижодда шунча кўп изланиш, бахс бўлади. Изланиш, бахс, мунозара бор жойда эса хакикат юзага чикади, тараккиёт бўлади.
Иккинчидан, бизда довюрак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди. Мен академик Яхё ўуломовни яхши билардим. У мустакил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юкори лавозим эгасига ёкмайдиган тўгри гапни дадил айта оладиган олим эди. Тарихчилар яхши биладилар, одатда тепаликлар каърида тарихий обидалар, бутун бир шахар ястанган бўлади. Шўро даврида факат томлардагина пахта экилмай колган бир пайтда, ана шундай тарихий тепаликларни хам текислаб пахта даласига айлантириш сиёсати авж олганда бунга карши чиккан олим Яхё ўуломов бўлганини мен яхши эслайман. Бу фазилати туфайли тазйик кўрганини хам эшитганман. Лекин адолатни хамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар хаёти бизга ибрат мактаби бўлмоги лозим.
Энди икки огиз сўз оммавий ахборот воситалари оркали тарих мавзусини ёритиш хакида. Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз хам тарихга оид маколалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлаганда бир кишининг фикрини ягона хакикат сифатида кабул килинишига йўл кўймаслиги даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, бахс оркали хакикат ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий вокеаларни, шахслар фаолиятини изохлаш йўли билан одамларни асл хакикатдан огох этишимиз керак. Чунки, биз шакллантираётган жамиятимиз мафкураси хам тарих булокларидан озикланади.
Яна бир мухим масала шуки, мен "Тафаккур" журналидаги сухбатда таъкидлаганимдек, сиёсатда хам, ижтимоий хаётда хам, фанда хам вакуум - бўшлик пайдо бўлишига йўл кўймаслик керак. Яъни, агар ўз гоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет гоя келиб хукмронлик килади. Шу маънода мустакил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халкимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак, уни бошкалар бошкача килиб ёзади. Ёзиш билан чекланса майлику-я, бизни, ўсиб келаётган авлодни, хатто олимларимизни хам ўз йўригига солишга харакат килади. Мен кайси халк каердан келиб чиккани, кимнинг тарихи кўхналиги хусусида бахс юритиш, бу борада бир миллатни бошка бир миллатга карама-карши кўйишга мутлако

каршиман. Бу нарса бизга асло керак эмас. Факат бизнинг давлатимиз тарихини ёритишда ўзга гоя хукмронлик килишига йўл кўйиб бўлмаслигини таъкидламокчиман. Бу масалада, яъни узок ўтмишимиз, тарихий томирларимиз бўйича ўз мустакил фикримизга, чукур илмий асосга эга бўлишимиз шарт. Тарихчи олимларимиз, илмий муассасаларимиз олдида турган долзарб вазифа шундан иборат.
Тарих сохасида мехнат килаётган олим, мутахассисларга мурожаат килмокчиман: сизлар миллатимизнинг хакконий тарихини яратиб беринг, токи у халкимизга маънавий куч-кудрат бахш этсин, гурурини уйготсин. Биз юртимизни янги боскичга, янги юксак маррага олиб чикмокчи эканмиз, бунда бизга ёруг гоя керак. Бу гоянинг замирида халкимизнинг ўзлигини англаши ётади. Хакконий тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.
Шу муносабат билан бундан беш йил аввал билдирган бир фикримни эслатиб ўтмокчиман: бино канчалар баланд бўлса, унинг пойдевори хам шу кадар чукур бўлади. Биз буюк давлат куришни ўз олдимизга максад килиб кўйган эканмиз, бунинг учун замонавий сиёсий, иктисодий, илмий-техникавий, маънавий имконларимиз билан бир каторда тарихий асосимиз хам бор. 2700 йиллик буюк давлатчилик ўтмишимиз бор. Хакконий тарихимизни барпо этиш ишини нимадан бошлаш лозим? Аввало, кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадкик этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини, кўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал, кадрлар масаласини аниклаб олишдан. Бу келажакда хам узлуксиз давом этадиган катта ишнинг бошланиши бўлади. Шундан кейин ана шу аник, боскичлари белгиланган дастур асосида хар томонлама тадкикотлар олиб борилади. Бу осон иш эмас. Шўро замонида тамоман ўзга, миллатимиз манфаатларига зид бўлган, коммунистик, шовинистик мафкура хукмрон шароитда ёзилган адабиётлардан уни-буни кўчириб тайёрланадиган иш эмас бу.
Мазкур вазифани амалга ошириш учун Академияга карашли Тарих, Шаркшунослик, Археология институтлари, шу сохага тааллукли бўлган илмий муассасалар таркибини, иш фаолиятини ўзгартиришни замон талаб килмокда. Тошкент Давлат университети, бошка ўкув даргохларидаги тарих факультетларининг дарсликлар, таълим-тарбия масалаларидаги камчиликларини аниклаб, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чикиш зарур. Керак бўлса, уларда ишлаётган олим ва мутахассислар фаолиятига танкидий кўз билан караб, ким шу ишга лойик, ким лойик эмас, буни хам аниклаш лозим. Зарур бўлса, уларга моддий ёрдам бериш, янги гурухлар тузиш керак.
Максад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниклайдиган, миллий гуруримизни юксалтирадиган янги йўналишлар пайдо бўлиши керак.
Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг хакконий илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун гоят мухим ва долзарб масалага айланиши лозим.

Тарихчи олимлар ва журналистлар билан сухбат, "Мулокот" журналининг
1998 йил 5-сони